

Хәр бир халық өзиниң тили менен, үрп-әдетлери менен ажыралып турады. Тил-оның қорғаны хәм жаратыўшысы және өзлиги. Солай етип, тил халықтың қорғаны болып өзлигин сақлайды. Алдыңғы дәуірде ески түркий, арабша сөзлерди диний сөзлер деп қолланыўдан қорқатуғын еди. Ана тилимизди байытыў ески бабаларымыз қоллаған сөзлерден пайдаланыў уақты келди. Тилимиз ҳаққында Өзбекстан Қахарманы И.Юсуповтың

Ана тилим, сен - басқадан айырмам,
Сен турғанда мен әдеўир шайырман.
Сонша қатал сүргинлерге жоғалмай,
Бул күнлерге жеткениме қайылман. - деп тилге үлкен баха берген.

Өзлигин аңлап жеткен, өз миллийлигине садық жаслардың қатарын көбейтиўге қаратылған мәмлекет

Әдебиятлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. 2017 й.

2. Мирзиёев Ш.М. «Ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва дўстликни янада мустаҳкамлаш – энг муҳим вазифа» – Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқи. 2017 йил 8-9 июнь.

3. Базарбаев Ж. «Әдеп философиясы» 2010.

РЕЗЮМЕ

Мақолада кўтарилган масала маънавиятимизда миллий ўзлиқни аңлаш масаласи бўлиб, бундан кўзланган мақсад, ёшларни миллийлик асосида тарбиялаш масаласига бағишланган. Чунки биз келажак эгалари бўлган ёшлардан фақат яхши ишларни, амалларни кутамиз, лекин шуни унутмаслигимиз керакки, ёш авлоддан бирор нарсани талаб қилиб, кутишимиздан олдин уларга шу нарсани берган бўлишимиз лозимдир. Агар биз ҳозир ёшларни ҳар тарафлама қамол ва эзгу ғояларни ўзида жамлаган ҳолда, миллийлик руҳида тарбияласак, уларга шу руҳни сиңдира оласак, бундан, албатта, худди шундай эзгу, яхши натижаларни олишдан умид қилсак бўлади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается проблема особенностей национального своеобразия как важный вопрос сегодняшнего дня, цель данной проблемы направлена на влияние национального своеобразия на воспитание. Мы ждём от молодёжи только хорошие поступки, действия, но мы не должны забывать, о том что прежде всего мы сами должны им дать это. Если молодое поколение воспитывать в национальном духе, то мы можем надеяться получить хорошие результаты.

SUMMARY

In the article we consider the problem of national identity as an important issue of today, the goal of this problem is aimed at the influence of education on the basis of national identity. We expect only good deeds and actions from youth, but we should not forget, that demanding any achievement from the young generation, we should give them this. If we now educate our young generation in a national spirit, containing comprehensively educational and noble ideas, if we absorb this national spirit in them, we can hope to get good results.

ЖАМИЯТИМИЗДА ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ РОЛИ

М.Махмудова – педагогика фанлари доктори, профессор

Э.С.Шамуратова - докторант

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Таянч сўзлар: қадрият, оила, дин, маънавият, тафаккур, мерос, таълим-тарбия.

Ключевые слова: ценность, семья, религия, духовность, мышление, наследие, образование.

Key words: value, family, religion, spirituality, cognition, heritage, education.

Жаҳон илм-фани ривожиди ислом цивилизациясини яратган олимлар, хусусан, Мовароуннахр уламои фозилларининг диний ва илмий мероси эътироф этилган объектив ҳақиқатдир. Улар яратган, «бой ва ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ... улар билан халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш» [5] давлатимизнинг истиқболли ривожланиш стратегиясига алоқадор вазифа бўлиб, айниқса, оилавий таълим ва тарбия тизимидаги ўтмишда мавжуд бўлган назариялар ва қарашларни ўрганиш долзарблик касб этади.

XXI асрда “илк Шарқ Уйғониш даври – Мусулмон Ренессанси деб ном олган ўрта асрларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган бебаҳо хиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинди” [3:288]. Машҳур олим ва файласуф Жон Уильям Дрейпернинг фикрига кўра, “Ислом даври илмлари ўз интеллектуал таъсирини Европага ўтказди” ҳамда “Европанинг бугунги улугъ зиёси мусулмонлар ёққан чироқларнинг ёғдусидан майдонга келди”.

Ислом Уйғониш даврида айнан дин арконлари қадриятларининг асосини ташкил қилди ва ислом феноменининг бетакрор хусусиятига айланди. Араб-мусулмон маданияти таркибида инсон ахлоқи, феъл-

атвори, кундалик турмуш тарзи, ўзини тутиш ва жамоада яшаш, никоҳ, оила ва оилавий ҳаёт тартиби ва қоидалари, исломда иқтисодий муносабатлар, ислом қонунчилиги ва фикҳга оид қадриятлар тизими тарбия қилинди. Ислом қадриятлари Қуръон, фикҳ, ҳадис, ақида, қалом, ислом ахлоқи, эстетик тасаввур, маданият, шунингдек ислом алломалари, шоирлари, дин, давлат ва маданият арбоблари асарларида тараққий қилинди ва авлоддан-авлодга диний-маънавий тарбия концепцияси ва категориялари сифатида ўтказилди. Ислом ахлоқи, эстетикаси, дунё ва инсон муносабатлари, шахс шаклланишига оид қарашлар тизими араб-мусулмон маданияти таркибида мумтоз ва замонавий араб, форс, ўзбек, уйғур, турк, озарбайжон, тожик, афғон ва бошқа миллий адабиётларда, ислом фалсафасида бадий ва илмий жиҳатдан ифода этилди. Ислом қадриятлари ислом тафаккурининг бекиёс унсурига, мусулмон шахси ва турмуш тарзининг эталонига, эътиқодли инсон ҳаётининг ижтимоий-маънавий ва этик-эстетик стандартига айланди.

Араб-мусулмон маданияти таркибида Мовароуннахр олимлари ҳам қадриятлар акс этган ноёб ва бой мерос қолдирдилар. Аждодларимизнинг мазкур қадриятларга доир ёзма меросини ўрганиш, ислом артефактларини қайта тиклаш, жумладан,

Мовароуннахр олимларининг ислом даври таълим ва тарбияси, педагогик қарашлари, ахлоқ нормаларини шакллантиришдаги салмоқли хиссасини янги ёндашувлар асосида ҳолис баҳолаш ва асослаб бериш долзарблик касб эта бошлади [4].

Бугунги кунда ислом қадриятлари ва уларнинг бизнинг жамиятимизда тутган ўрнига айнан "инсон капитали" нуктаи назаридан қараш лозим. Мазкур вазифа кўп тизимли, сермазмун, ўзига хос нозик, мураккаб соҳа эканлигини намоён этади. Мамлакатимиз таълим ва тарбия тизимини ислом қадриятлари бўйича билимларнинг ахлоқий, маънавий, эстетик ва гуманистик моҳиятини англаш асосида ислоҳ қилиш ва янгидан ташкиллаштириш талаби эса энг зарур ва долзарб вазифалар қаторидан ўрин олади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ислом қадриятлари ва диний эътиқодни инсон маънавий-руҳий камолотининг ажралмас қисми сифатида тўғри идрок қилишга асос солинди. Исломот эътиқоди қайтадан юксак маънавий ва маърифат сарчашмаси сифатида баҳоланди. Исломот эътиқоди ривожини учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди ва эътиқод қилувчилар ҳуқуқи таъминланди. Бироқ, ислом қадриятларини шакллантириш ишида оқсоқлик вужудга келди. Оилавий тарбия масалаларида диний эътиқод нуктаи назаридан маълум муаммолар келиб чиқди. Оилавий таълим ва тарбия ишлари дин масаласида мақсадли бошқарилмаган тарзда олиб борилди, шунга қўра оилавий таълим жараёнини белгиланган мақсадга йўналтириш, унинг таълим таъминотини амалга ошириш, шакл, восита ва усуллари тақомиллаштириш зарур ижтимоий вазифага айланди. Ўзбекистоннинг мустақил геомаданий субъект сифатидаги замонавий ривожини ислом қадриятларини оилада шакллантириш масаласини кун тартибига қўяди ҳамда унинг ижтимоий, эстетик, маънавий ва ахлоқий моҳиятини тўғри англаган ҳолда оилавий тарбия амалиётига татбиқ этилишини тақозо этади.

Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги билдирилган қарашлари ва мамлакатимизда жорий этилган ислом динига муносабатга доир маънавий-маърифий тамойилларга таяниш самаралидир:

– ислом динининг маънавий нур эканлиги, бироқ Ўзбекистон мана нурдан узок йиллар айрилиб, унинг қалб учун нур эканлигини унутиб қўйганлиги, мазкур нурни халққа қайтариб бериш даркорлиги;

– ислом ва Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмаслиги, Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавий, маърифат эканлиги, агар Қуръон Каримни эшита олсак ҳамда эшиттира олсак, бу муваффақият бўлиши, мамлакатимизга нур келиши;

– фарзандларни ислом ахлоқи ва ислом маънавияти руҳида тарбия қилиш даркорлиги боис ҳудудимиздан, яъни Мовароуннахрдан чиққан ҳадисшунос, фикҳшунос, ақида ва калом бўйича буюк бобокалонларимиз, энциклопедист олимларимизнинг маънавий ва илмий меросини қайта тиклаб, улар тараннум қилган ғояларни ёш авлодга ўргатишимиз даркорлиги;

– бугунжаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблашимиз, ислом динини азалий қадриятларимиз мўжассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлашимиз;

– ислом динини зўравонлик, қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралашимиз, улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаслигимиз, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олиш даркорлиги;

– ислом дини эзгулик ва тинчлик, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этиши;

– Марказий Осиё Уйғониш даврининг қўллаб-ёқим намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо хиссасини ўрганишимиз ва қайта тиклашимиз даркорлиги;

– БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган маҳсув резолюциясини қабул қилиш даркорлиги, унинг мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишга хизмат қилишдан иборатдир.

– бағрикенглик ва ўзаро ҳўрматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик даркорлиги;

– Ўзбекистон ҳукумати диний экстремизмда гумон қилиниб, шавқатсиз қийноққа солинган фуқароларни қайтадан жамият ҳаётига қайтариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, таълим олиш имкониятларини кенгайтириши, ислом бўйича саводсизликни йўқ қилиш ҳамда таълим сифати даражасини ошириш зарурлигини, Самарқандда Имом ал-Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда Исломот цивилизацияси Марказини очиш зарурлиги;

– халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани тинчлик ва осойишталикни, инсонийликни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимизнинг қадриятлари сирасида ислом қадриятларини кенг тарбия қилиш даркорлиги;

– "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорликка йўл" деган шиор остида барча саъй-ҳаракатларни ташкил қилиш даркорлиги;

– Ўзбекистонда зиёрат туризми учун қулай шарт-шароит мавжудлигидан унумли фойдаланиш, соҳани ривожлантириш учун зарур инфратузилмани тақомиллаштириш;

– оилаларнинг ўз фарзандларида миллий қадриятлар, уларнинг моҳияти, ислом маданияти тўғрисидаги билим ва малакаларнинг шакллантирилишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

– оилаларнинг ўз фарзандларида исломий ғояларнинг асл мазмунини тўғри англашлари, ислом таълимотлари ва маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк уламолар мероси, улар ҳаёти бўйича билимни тўлиқ эгаллашларини таъминлаш;

– оилаларнинг ўз фарзандлари томонидан миллий урф-одатларни ардоқлаш, маросим ва оила анъаналарида илгари сурилган эзгу инсоний қарашларнинг тарбияланишини қўллаб-қувватлашлари;

– оилаларда ўзбек миллатининг шонли тарихи, ўтмиши ва бугунги кундан ғурурланиш ва уни янада ривожлантириш ғояларига нисбатан қамарбағсталикнинг мавжудлиги;

– оилаларда ўз фарзандларининг оила тарихи, унинг аجدодлари, сулолалар тарихига бўлган қизиқишнинг қўллаб-қувватланиши, болаларда ўз оиласи, унинг аъзолари, қариндош-уруғларга ва яқинларига бўлган меҳр ва мурувват ҳис-туйғуларининг шакллантирилишини миннатдорлик билан қабул қилишлари;

– оилаларда ўз фарзандлари характерида мулоимлик, бағрикенглик, ҳалимлик, самимийлик, очиклик, мулоқот қила олиш, тинч ва тотувлик, агрессия, ҳақ, тазйиқ каби хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган педагогик саъй-ҳаракатларни олқишлашлари ва рағбатлантиришни тўғри деб ҳисоблашлари даркорлиги каби вазифалар долзарблиги қайд этилган.

Қадриятлар – бу инсоният томонидан шахс ижтимоийлашуви натижасида ишлаб чиқилган маълум бир маънавий, рухий, ҳаётий тушунча ва амалларнинг муҳимлиги, маънога эгалиги, фойдалилигидир. Зеро, жамиятда маълум гуманитар қадриятларнинг амал қилиши конкрет индивидларнинг мана шу гуманитар қадриятларга амал қилиши, ишониши, муҳимлигини англаши, билиши ва ўз хулқ-атворида намоён этилиши тақозо этади. Шунга қўра, қадриятлар муаммоси, шубҳасиз, педагогика фанининг ҳам тадқиқот предмети бўлиб, қадриятларнинг педагогик мазмуни борасида бугунги кунда фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ва қадриятларнинг концептуал илмий талқинини ишлаб чиқиш тақозо этилади. Қуйидаги тушунчалар мана шу концептуал назарни ўз мазмунида намоён этади:

– бизнинг жамиятимиздаги амалдаги ва шакллантирилиши зарур бўлган ислом қадриятлари силсиласини белгилаш, ислом қадриятларининг хусусий ва умумий жиҳатлари, уларнинг позитив ва негатив ҳолатлари, инсонлар ва оилалар турмуш тарзидаги таъсири ва натижаларини таҳлил қилиш;

– ислом қадриятларини шакллантиришда оила институтининг ўрни ва роли, оилавий тарбиянинг ўзига хос умумназарий жиҳатлари, педагогик мазмуни, шакллантириш институтлари ва шакллари, ёш хусусиятлари қабилад борасида мавжуд аҳволни ўрганиш, оилавий тарбия жараёнининг умумий инновацион хусусиятларини белгилаш ва янгиланган шакл, восита ва йўллари ишлаб чиқиш;

– ислом қадриятларини шакллантиришда педагогик интеграциянинг оила институтига йўналтирилган мақсадлари ва вазифаларини белгилаш, оилавий тарбияда профилактик таълим фаолиятини таҳлил қилиш ва истикболларини белгилаш [1:271].

Адабиётлар

1. Жузжоний А.Ш. Ислам ҳуқуқшунослиги ва ханафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни. Тарих ф.докт. дисс. –Тошкент: 2005, 271-б.
2. Мухаммадиева О.М. Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида ахлоқий қадриятлар масаласи. Фалсафа фан.номзоди ...дисс.автореферати. – Т.: 2008.
3. Нишонов С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси. Дис. ... пед. фан. д-ри. - Тошкент: ТДПУ, 1998. 288-б.
4. Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожда тутган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий). Тарих фан.докт... дисс.автореф. -Т.: 2002.
5. <http://lex.uz/docs/3296658> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 782-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 09/18/23/0576-сон).

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жамиятимизда ислом қадриятларини шакллантиришнинг роли, ислом қадриятлари бўйича билимларнинг ахлоқий, маънавий, эстетик ва гуманистик моҳияти, замонавий жамиятларда янги авлодларни маънавий мажруҳликдан муҳофаза қилишдаги уларнинг ўрни, диний эътиқод нуқтаи назаридан маълум муаммолар, фарзандларни ислом ахлоқи ва ислом маънавияти руҳида тарбия қилиш ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается роль развития исламской культуры, представления о моральных, эстетических, гуманистических значениях, основанных на исламских ритуалах, которые в современном обществе спасают новое поколение от плохой морали и её места, рассматриваются также вопросы, связанные с религиозной молитвой, воспитанием детей в духе ислама.

SUMMARY

In the article the author studies the role of development of Islam culture, the notion of moral, aesthetic, humanistic knowledge based on Islamic rituals, in modern society saving new generation from poor morality and its place, particular issues related to religion praying, bringing up children in the spirit of Islam.

1937-1938 -JÍLLARDA QUWDALAWǴA USHÍRAǴAN QARAQALPAQ ZÍYALÍLARÍ HAQQÍNDÁ

B.Saǵındikov – tayanish doktorant

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch soʻzlar: madaniyat, meros, milliy anʼanalar, imperiya, totalitar, qatagʻon, aksilinqilob, Oliy Sud, jinoyat kodeksi, IIXK (NKVD).

Ключевые слова: культура, наследство, обычай, империя, тоталитаризм, репрессия, контрреволюция, Верховный Суд, кодекс преступлений, НКВД.

Key words: culture, heritage, customs, empire, totalitarianism, repression, counterrevolution, Supreme Court, codex of crime PCII.

Ózbekstan Respublikası óz ǵárezsizligine eriskennen keyin xalqımızdın mın jıllıq tariyxın jańasha pikirlew hám milliy ózligimizdi anlawǵa – milliy mádeniyatımızdı úyreniw barısında ullı babalarımızdın ótmishtegi xalıq azatlıǵı ushın kórsetken erlikleri, tariyxıy waqıyalari, dinimiz hám tilimizdın, dástúr hám úrp-ádetlerimizdın ulıwma xalqımızdın ruwxıy ǵáziynesine baylanıslı bolǵan

Шу билан бирга қуйидаги ҳолатларга алоҳида аҳамият қаратиш тақозо этилади:

– мамлакатимизда мавжуд ахлоқий, маънавий, мафкуравий ва маърифий приоритетлар асосида тарбия қилиниши зарур бўлган ислом қадриятлари силсиласини белгилаб олиш ҳамда уларнинг бизнинг миллий менталитетимиз, тарихий тафаккуримиз ва миллий анъаналаримиз билан бевосита боғлиқлиги, узлуксизликда тарихий ривожланганлиги, ҳеч бир тарихий даврда оиладан узилмаганлиги ва оилавий ахлоқнинг узвий таркибий қисми эканлигини назарга олиш;

– ислом қадриятларини шакллантириш оила аъзоларининг бугунги кун ва келажакка йўналтирилган истикболдаги ҳаётий мақсадларига тўла мос келиши, уларда эътироз уйғотмаслиги, балки улар томонидан розилик ва хурсандлик билан қабул қилиниши, улар жуда катта қизиқиш билан билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишга тайёрлиги;

– оилаларда ислом қадриятларнинг шакллантирилиши жараёнида улар мазкур жараёни дунёвий тафаккурни ривожлантириш асосида олиб боришга тайёрлиги ва мазкур жараёни шахс тақомили, диний эътиқод ва дунёвийлик тафаккури яхлитлиги асосида қабул қилиниши [2].

Биобарин, дин омили, хусусан, ислом дини мусулмонларнинг эзгу ният ва интилишлари, яхши ниятлари ва ҳаёт қадриятлари борасидаги қарашлар тизими мажмуи бўлиб, уларни таъминлаш ва тарбия қилиш учун ёш авлодга улар моҳиятини тушунтириш, англатиш, улар мазмунини ёритиб бериш ва авлоддан-авлодга ўтказиш тақозо этилади. Дин бу мусулмон инсон ахлоқидир, ислом ахлоқи эса жамиятда ўзини тутиш тартиб ва қоидалари мажмуидир.

Адабиётлар

1. Жузжоний А.Ш. Ислам ҳуқуқшунослиги ва ханафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни. Тарих ф.докт. дисс. –Тошкент: 2005, 271-б.
2. Мухаммадиева О.М. Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида ахлоқий қадриятлар масаласи. Фалсафа фан.номзоди ...дисс.автореферати. – Т.: 2008.
3. Нишонов С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси. Дис. ... пед. фан. д-ри. - Тошкент: ТДПУ, 1998. 288-б.
4. Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожда тутган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий). Тарих фан.докт... дисс.автореф. -Т.: 2002.
5. <http://lex.uz/docs/3296658> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 782-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 09/18/23/0576-сон).

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жамиятимизда ислом қадриятларини шакллантиришнинг роли, ислом қадриятлари бўйича билимларнинг ахлоқий, маънавий, эстетик ва гуманистик моҳияти, замонавий жамиятларда янги авлодларни маънавий мажруҳликдан муҳофаза қилишдаги уларнинг ўрни, диний эътиқод нуқтаи назаридан маълум муаммолар, фарзандларни ислом ахлоқи ва ислом маънавияти руҳида тарбия қилиш ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается роль развития исламской культуры, представления о моральных, эстетических, гуманистических значениях, основанных на исламских ритуалах, которые в современном обществе спасают новое поколение от плохой морали и её места, рассматриваются также вопросы, связанные с религиозной молитвой, воспитанием детей в духе ислама.

SUMMARY

In the article the author studies the role of development of Islam culture, the notion of moral, aesthetic, humanistic knowledge based on Islamic rituals, in modern society saving new generation from poor morality and its place, particular issues related to religion praying, bringing up children in the spirit of Islam.

1937-1938 -JÍLLARDA QUWDALAWǴA USHÍRAǴAN QARAQALPAQ ZÍYALÍLARÍ HAQQÍNDÁ

B.Saǵındikov – tayanish doktorant

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch soʻzlar: madaniyat, meros, milliy anʼanalar, imperiya, totalitar, qatagʻon, aksilinqilob, Oliy Sud, jinoyat kodeksi, IIXK (NKVD).

Ключевые слова: культура, наследство, обычай, империя, тоталитаризм, репрессия, контрреволюция, Верховный Суд, кодекс преступлений, НКВД.

Key words: culture, heritage, customs, empire, totalitarianism, repression, counterrevolution, Supreme Court, codex of crime PCII.

Ózbekstan Respublikası óz ǵárezsizligine eriskennen keyin xalqımızdın mın jıllıq tariyxın jańasha pikirlew hám milliy ózligimizdi anlawǵa – milliy mádeniyatımızdı úyreniw barısında ullı babalarımızdın ótmishtegi xalıq azatlıǵı ushın kórsetken erlikleri, tariyxıy waqıyalari, dinimiz hám tilimizdın, dástúr hám úrp-ádetlerimizdın ulıwma xalqımızdın ruwxıy ǵáziynesine baylanıslı bolǵan

pútkil baylıqlarımız bolǵan miyraslarımızdı qayta tiklew, tariyxıy haqıyqıyatlıqtı búgingi kún kózqarasınan jaratıw eń aktual máselelerden esaplanadı.

Ózbekstan Respublikası Prezidenti Sh.Mirziyoev 2017-jıl 6-noyabrde Jizzax qalasında Sharap Rashidov esteligine baǵıshlangan maresimindegi “Ózbek xalqınıń ullı perzenti” dep atalǵan bayanatında “Biz búgin jaqın tariyxımızda